



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 6 июнь 22 (302) ● Сотувда нархи эркин

## МИЛЛИЙ ДАСТУР — ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги хайъатининг навбатдаги йиғилишини агентлик Бош директори А. Х. Жўрабоев бошқарди. Йиғилишда соҳа иши учун муҳим бўлган бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Агентликнинг почта алоқаси бўлими бошлиғи М. С. Аъзамқова меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар ҳусусида ахборот берди. Бугунги кунда «Почта қондалари»ни тайёрлаш ниҳоясига етказилган бўлса, «Почта тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси тайёрланди. «Хаво йўллари орқали почта ташиш қондалари» ҳам тайёрланиб, тасдиқлаш учун тавсия этилди. Бошқа шу каби меъёрий ҳужжатлар ҳам тайёрланди. Ҳозирда яна йиғирма олтита ҳужжатларни тайёрлаш устида қизгин иш олиб борилмоқда. Аммо шунга қарамадан хайъат бу борадаги ишларни, етарли деб топмади. Почта алоқаси бўлимига «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази билан ҳамкорликда режага мувофиқ меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қайта тайёрлашни тезлаштириш вазифаси топширилди.

Хайъатда шунингдек «2010 йилгача республика телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий дастури»да белгиланган вазифалар қай тариха бажарилаётгани билан боғлиқ масала ҳам кўриб чиқилди. Маълумки, ҳукуматимиз ушбу дастурни 1995 йил 1 августда тасдиқлаган эди. Ҳўш, ўтган муддатда қандай ишлар амалга оширилди? Бу борада «Маҳаллий телеком» акционерлик компанияси бош директори Т. Ф. Раҳимов маълумот берди. Компания раҳбари Миллий дастур асосида бир йиллик вазифалар белгилаиб, уни бажариш учун бир қатор амалий чоралар кўрилаётганини айтиб ўтди. Жумладан, бу ишларга хорижий фирмалар ва уларнинг сармоялари кенг жалб қилинмоқда.

Ўтган муддат ичида режадаги 663 миң ракам ўрнига 409 миң ракамга мўлжалланган янги АТС бунёд этилди, бу бажарилиш лозим бўлган ишларнинг 61,7 фоизини ташкил қилади. Магистрал линиялар бўйича вазифалар бажарилди, аммо станцияларора ракамли линияларда ишлар 32 фоизгагина амалга оширилди. Қишқоқ жойларида эса 2010 йилгача мўлжалланган ишлар 13 фоизга бажарилган. Бу каби ишларни амалга ошириш учун 12 миллиард сўм ўзлаштирилди. Бунда хорижий ҳамкорларнинг кредити ва сармоялари 9,5 миллиард сўмни ташкил этди. Истеъмолчиларнинг маблағлари бу ишларга жалб қилинмади.

«Маҳаллий телеком» АК раҳбари ОЕЦФ Япон кредити асосида Оролбўйи минтақасида олиб борилаётган ишлар ва «Ўзбек Те-

леком Интернейшнл ХХ» кўшма корхонасининг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятларида амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумот берди. Шу кунларда ушбу ҳудудларда телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва қайта таъмирлаш борасида улкан ишлар бажарилмоқда.

Хайъатда «Халқаро телеком» акционерлик компанияси бош директори М. А. Холмуротова шахарларора ва халқаро алоқа бўйича Миллий дастурда белгиланган ишларнинг бориши тўғрисида ахборот берди. Маълумки, Миллий дастур биринчи навбатда шаҳарларора ва халқаро алоқалар тизимини ривожлантиришни кўзда тутди. Миллий дастурнинг 2000 йилгача, яъни биринчи босқичида республиканинг барча ҳудудида ишчи толали алоқа линиялари ва электрон ракамли АШТСларни бунёд этиб, фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Ўтган йили Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) ишчи толали кабель магистраларида қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бу магистралнинг (Миллий сегменти) фойдаланишга топширилиши билан Ўзбекистоннинг бешта вилояти ракамли алоқа каналларига эга бўлди. Бугунги кунда ОЕЦФ кредити бўйича алоқа иншоотлари қурилишига катта аҳамият берилмоқда. М. А. Холмуротова бу ишларни бажаришда бир қатор қийинчиликларга дуч келинаётганини айтди. Қурилиш-монтаж ташкилотлари мўлжалдаги жадвалдан кечикиб ишламоқда. ТОЕ ишчи толали кабел магистрални қурилишининг иккинчи босқичида ҳам баъзи муаммолар учрамоқда. Хайъат аъзолари ушбу ахборотларни тинглаб, ўз тақлифларини билдиришди. Қабул қилинган қарорда Миллий дастур вазифаларини бажариши учун аниқ чора-тадбирлар белги-ланди.

Шунингдек, хайъат йиғилишида агентликнинг Мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи Р. А. Аскарлов ҳамда Иқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилаш бўлими бошлиғи А. Хўжаев тегишли ишлар бўйича маълумот беришди.

Хайъат кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш чоғида асосий эътибор ишда юқори самарадорликка эришишга қаратилди. Қабул қилинган қарорларда ҳам мана шу масалага алоҳида аҳамият берилди.

А. КУДИНОВ

Давлат Алоқа Назорати томонидан жорий йилнинг бошида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши бўйича кўпгина алоқа корхоналарида текширувлар ўтказилди. Текширув жараёнида соҳада Қонунни жорий этиш бўйича маълум ишлар қилинганлиги ва бу борада қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Бухоро, Наманган, Қашқадарё вилоятларида ёзишмалар, буйруқлар, иш юритиш қоғозлари асосан Давлат тилида юргизилмоқда. Лекин шуларга қарамаздан корхона ва ташкилотларда ҳамон буйруқлар, эълонлар, пешлавлардаги ишчи гуруҳи ҳам тузилган. Аммо текширишларда ушбу ишчи гуруҳи бажарган ишлар бўйича ҳеч қандай маълумот ёки ҳисобот

насида тузилган ишчи гуруҳи 1996 йилдан бери ҳисобот бермаган. Ўзбек тилида мурожаат қилган шикоятларга рус тилида жавоб қайтарилган. Буйруқлар, қўлланмалар барчаси рус тилида. «Алоқинвест» хиссадорлик жамиятида буйруқларнинг аксарияти рус тилида ёзилган бўлиб, пешлавлардаги ёзувлар Давлат тилига тўлиқ ўгирилмаган, ходимларнинг Давлат тилини билиш даражаси паст. «Тошкент шаҳар телефони» хиссадорлик жамиятида Давлат тилини жорий этиш бўйича буйруқлар чиқарилган. Ушбу буйруқларга асосан ишчи гуруҳи ҳам тузилган. Аммо текширишларда ушбу ишчи гуруҳи бажарган ишлар бўйича ҳеч қандай маълумот ёки ҳисобот

тилини жорий этиш бўйича ишчи гуруҳи ҳақидаги буйруқлар мавжуд, иш режаси тузилган, лекин олиб борилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар йўқ.

«Сурхондарё почтаси» хиссадорлик жамиятида Давлат тилини жорий этиш бўйича айрим филиалларда ишчи гуруҳининг дастурлари йўқ, Давлат тилига ўқитиш олиб борилмаган. «Сурхондарё почтаси» ХЖнинг марказий идорасидаги ўн икки нафар ходим Давлат тилини яхши билмаслиги натижасида филиалларда буйруқлар, шиолинчомалар ва қўлланмаларнинг аксарияти рус тилида жўнатилмоқда, филиалларда ёзув машиналари Давлат тилига мослаштирилмаган.

«Сурхон телеком» ва «Самар-

## «ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Бу камчиликлар айрим раҳбарларнинг ўта маъсулиятсизликлари ва лаёқатсизликлари тўғрисида сўз бўлмоқда. Натижада республика алоқачилари номига турли эътироз шикоятлар билдирилмоқда.

Мисолларга мурожаат қилганда: «Тошкент таксафони» хиссадорлик жамиятида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши бўйича ҳеч қандай иш қилинмаган, ҳаттоки ишчи гуруҳи ҳам тузилмаган. Корхонадаги буйруқлар, қўлланмалар тўлалигида рус тилида чиқарилган. Хиссадорлик жамияти Давлат тилидаги иш юритиш қоғозлари билан тўла таъминланмаган. Пешлавлардаги ёзувлар чалакам-чатти. Корхонада лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш учун ишчи гуруҳи тузилмаган.

«ЎзПАК» кўшма корхонасининг Давлат тилини жорий этиш бўйича буйруғи, иш режаси йўқ ва ишчи гуруҳи тузилмаган. Корхонадаги меҳнат, жамоат шартномалари, ички меҳнат тартиби ва буйруқлар фақат рус тилида битилган. Корхона Давлат тилидаги иш қоғозлари билан таъминланмаган. Русийзабон ходимларнинг Давлат тилини билиш даражаси жуда паст бўлиб, улар ўтган йили Давлат тилига ўқитилмаган. Пешлавлардаги ёзувлар тўлиқ давлат тилида ёзилмаган.

«Ўздунробита» кўшма корхо-

надаги ишчи гуруҳи билан тўлиқ таъминланмаган.

«Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компаниясида 1996 йилдан 1998 йилга Давлат тили бўйича ўқитиш ишлари олиб борилмаган, фақатгина жорий йилнинг январь ойидан бошлаб ўқитиш ишлари йўлга қўйилган. Ишлаб чиқаришга оид буйруқларнинг 20 фоизи ва ходимлар тўғрисидаги буйруқлар тўлиқ Давлат тилида ёзилган. Давлат тилини жорий этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилган маълумотлар мавжуд, ходимларнинг Давлат тилини билиш даражаси қониқарилмади.

«Халқаро почта» хиссадорлик жамиятида русийзабон ходимлар давлат тилини яхши билишмайди. Компьютерлар Давлат тилига мослаштирилмаган ва Давлат тилидаги иш юритиш қоғозлари билан тўлиқ таъминланмаган. «Тошкент почта» акционерлик жамиятида эса ишчи гуруҳи тузилган ва ўз вақтида ҳисоботлар қилиб борилган, лекин компьютерлар Давлат тилига мослаштирилмаган.

Коракалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида Давлат

канд телеком» шуъба корхоналари, Фарғона телеком», «Фарғона почтаси», «Тошкент телеком», «Тошкент почтаси», «Сирдарё телеком», «Сирдарё почтаси», «Хоразм почтаси», «Навоий почтаси», «Андижон телеком», «Самарқанд почтаси» хиссадорлик жамиятлари ҳамда Хоразм давлат электралоқа корхонасида ҳам юқорида тилга олинган камчиликлар аниқланди. «Фарғона телеком» ХЖда Давлат тилини жорий этиш бўйича бажарилиши зарур бўлган ишлар ўз холига ташлаб қўйилган. Ўтган йили «Фарғона почтаси» хиссадорлик жамиятида Қўқон филиалига жўнатилган 212 та иш юритиш ҳужжатларидан 40 таси рус тилида бўлган. Текширишларда «Сирдарё почтаси» ХЖ ва унинг филиалларида тузилган ишчи гуруҳининг иши қониқарсизлиги, жойларда буйруқлар рус тилида олиб борилганлиги маълум бўлди. «Андижон телеком» ХЖда бўлимларга буйруқларнинг 80 фоизи рус тилида жўнатилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Хуллас, текширишлар давомида барча корхоналарга аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Умид қиламизки, бу кўрсатмалар ақин орада ўзининг ижобий натижаларини беради.

Шокир ТОЙИРОВ,  
Давлат Алоқа Назорати бўлими бошлиғи

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

- Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШнинг Экспорт-Импорт банки президенти ҳамда бошқаруви раиси Жеймс Ҳармонни қабул қилди.**

• **Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги ҳамда Имом ал-Бухорий тавадлудининг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллу-**

дининг 1200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлди.

• **Халқаро ташкилотларнинг хабар қилишича, Шимолий Афристонда юз берган зилзила оқибатида уч мингдан зиёд киши ҳалок бўлган ва бир неча миң киши роҳатланган.**

• **Ҳиндистонда бензин, тамаки ва айрим озиқ-овқат маҳ-**

сулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш нархлари ошиб кетди. Бензиннинг баҳоси ўртача 30 фоиз, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари эса 5 фоиз қимматлашган. Айниқса, сув билан таъминлаш хизмати 40 фоизга ошган. Бунинг сабаби Ҳиндистонга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий ҳазо чоралари билан изоҳланади.

• 1998 йил — Оила йили

## ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА АМАЛДА

Республикамиз алоқачиларини Оила йилида ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, ёз мавсумида уларнинг дам олишларини кўнгилдагидек ташкил этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси Тоҳир НАЗАРЖОНОВ шу хусусда мухбиримизга қуйдагиларни гапириб берди:

— Алоқа корхоналарида меҳнат қилаётган тармоқ ходимларининг иши доимо қадрлини келмоқда. Юртобимиз томонидан «Оила йили» деб эълон қилинган жорий йилда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 январда қабул қилган «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ҳайъати ҳамда алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раёсатининг қўшма йиғилишида қарор қабул қилиниб, бу борадаги тадбирлар тасдиқланди. Шу кунларда қарор ижроси юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

Авалло, ишчи-ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш, илгор, ўз касбига фидойи алоқа ходимларини рағбатлантириб бориш кўзда ту-

тилган.

Алоқа ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали жамоаларда, оилаларда ижтимоий тотувлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик таъминланяпти. Тармоқда фаолият кўрсатаётган ишчи сулоаларини рағбатлантиришга эътибор қаратилмоқда. Ходимлар кундузги соғломлаштириш марказларида даволанаётганда овқатланиш харажатларини корхона ҳисобидан қоплаш, кам таъминланган оилаларга уй-жой, рўзгор анжомларини тўлатишда ва фарзандларининг никоҳ ҳамда суннат тўйларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш, боқувчисини йўқотган алоқа ходимларининг вояга етмаган фарзандларига моддий ёрдам бериш каби тадбирлар кўзда тутилган.

Ёзги дам олиш мавсуми ҳам бошланяпти. Шуни эътиборга олиб, агентлик ва касаба уюшма Марказий Кўмитаси ҳамкорликда тадбирлар белгилашди. Ушбу тадбирнинг бажарилиши агентлик ва касаба уюшма Марказий Кўмитаси раёсатининг яқинда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида кўриб чиқилди. Та-

сарруфимиздаги етти талабани соғломлаштириш оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоят сизга етади деб қолди. Бу борада Андижон, Бухоро, Наманган, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятларида ибратли ишлар қилиняпти. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятига қарашли Бўстонлик туманидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳини мавсумга тайёрлаш учун 7,5 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Бу йилги ёз мавсумида 3500 нафар ўғил-қизларнинг оромгоҳларида дам олиши режалаштирилган. Жумладан, Оролбўйи минтақасида истикомат қилаётган алоқа ходимларининг 180 нафар фарзанди, яъни Қорақалпоғистон Республикасидан 120 нафар, Хоразм вилоятидан 60 нафар ўғил-қизлар Тошкент вилоятидаги «Алоқачи» оромгоҳида хордик чиқариладилар.

«Тошкент телеком» ҳиссасдорлик жамиятига қарашли «Нанай» дам олиш масканида ёзда 600 нафар алоқа ходимлари оилавий дам олиш, соғлиқларини тиклайдилар. Бундай ғамхўрликлардан ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзолари мамнун бўладилар деган умиддамиз.

Иззат АҲМЕДОВ  
ёзиб олди

Орамизда ўз ҳаёти мазмунини севган касби орқали одамларга сидқидил хизмат қилиш деб биладиган инсонлар бор. Шулардан бири — Тошкентдаги 52-почта бўлими бошлиғи Татьяна Александровна ЛЕОНОВАДир. Мухбиримиз у билан учрашиб, иш фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Алоқа техникумининг битириб, почтага ишга келганимга ролпа-роса 30 йил бўлди. Шундан дастлабки ўн йилда турли лавозимларда ишладим. Кейинги 20 йилдан буён шу почта бўлимида бошлиқман. Бўлимимиз «Тошкент почта-тамти» очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятининг Мирзо Улуғбек туманлараро филиали таркибига қиради.

Почта корхоналари кўрсатиши мумкин бўлган барча хизмат турларини биз

тачиларимиз жойларда аҳолидан электр энергияси, маҳаллий ва шаҳарлараро телефон хизматлари учун тўланадиган пулларни ҳам ола бошладик. Шу кунларда тураржой биноларини фойдаланиш шартномаси билан шартнома тузганимиз ва яқин кунлар ичида почтачиларимиз уй-жой ҳақларини ҳам йиғадилар. Бу бир томондан аҳолига қулай бўлса, иккинчи томондан почта бўлимига қўшимча даромад келтиради. Почтачиларнинг бевосита фаолиятдан ташқари бўлган хизмат турларидан олинмаган умумий даромадининг маълум фоизини почтачиларга қўшимча мукофот тарзида бераймиз.

Бундай қўшимча хизмат турларининг жорий этилиши ўз навбатида почтачилар масъулиятини оширмоқда.

• Фахрийлар — фахримиз

## ПОЧТАДА 30 ЙИЛ

ҳам аҳоли ва корхоналарга кўрсатиб келмоқдамиз. Жумладан, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларига бошқа давлатлардан келган халқроқ жўнатмаларни тарқатамиз. Бундай жўнатмалар бир ойда ўртача икки юзта атрофида бўлади. Ҳар ойда 2000 га яқин пул жўнатмаларини расмийлаштирамиз ва жўнатамиз. 2500 нафақа-чи нафақаларни тарқатамиз. Турли жўнатмалар, шойилинчномалар, хатлар, шу жумладан, буюртма хатлар жўнатиш, обуна ишлари, хатжилдлар сотиш, матбуот нашрларини тарқатиш ва жўнатиш почтанинг асосий иш фаолияти бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай.

Кейинги вақтларда бу ишларнинг ҳажми бироз камайди. Бунинг асосий сабаби электралоқанинг кескин ривожланишидир. Энди одамлар хат ёзиб, шойилинчнома жўнатиб утирмай, дақиқалар ичида дунёнинг хоҳлаган бурчага телефон қила оладилар. Айниқса, уяли телефонлар, факслар бу борада аҳоли ва корхоналарга жуда қўл келмоқда.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, кўпгина соҳаларда ислохотлар ўтказилмоқда. Почта ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

«Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компаниясида тижорат бўлими фаолият кўрсата бошлади. Улар почта бўлиmlарини халқ истеъмол моллари билан таъминламоқда. Почта бўлиmlари асосий иш фаолияти билан бир қаторда шу молларни аҳолига сотиш билан ҳам шуғулланмоқда. Бундан ташқари, поч-

Шунинг учун ҳам янги ходимни ишга олар эканмиз, у билан бафуржа сўхбатлашамиз. Ҳужжатларини кўрамиз ва икки ойлик синов муддати билан ишга оламиз. Ҳозир бўлимимиздаги почтачиларимизнинг ўртача ёши 30 да. Уларнинг ҳаммаси ҳам халол ва сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Бизда «Мижоз — доим ҳақ» деган ибора бор. Почтачиларимиз бу гапдан яхши хабардорлар. Шу боис ҳам ҳар бир хатли-харақатлари назорат остида экани ва раҳбарият улар устидан шикоят тушгудек бўлса, баъзи корхоналарда бўлаётганидек, ўз ходимларини кўр-кўрона ҳимоя қилмасликларини ва фақат адолат билан оқилона қарор чиқаришларини яхши билишадилар. Раҳбарият эса ўз навбатида ходимларнинг иш шaroитларини яхшилаш, махсус иш кийимлари, транспорт ва почта жиҳозлари билан ўз вақтида таъминлаб, иш унуми ҳамда почта хизматининг мавқеини ошириш борасида янгидан-янги хизмат турларини, жаҳон андозаларига жавоб бераоладиган техника ва технологияни жорий этиш, замон талабига мос ислохотларни амалга ошириш ишларини йўлга қўймоқдалар.

Электралоқа техникаси ҳар қанча раванқ топмасин, почта хизматида бўлган талаб ва эҳтиёж камаймаслигига ишончин комил. Шаҳарлараро ва халқроқ алоқанинг энг қадимий ҳамда кенг тарқалган тури — почта хизмати эса ёшариб, хизмат турлари кенгайиб бораверди.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
сўхбатлашди

Екатерина  
ВИТТЕ «Сирдарё почтаси»  
ҳиссасдорлик  
жамиятининг  
Гулистон  
шаҳар бўлимида  
хат-хабарларни  
сара-  
лаб, манзилига  
жўнатиш билан  
шуғулланади.

Сайфулла  
ДАВЛАТОВ  
олган сурат



### ПАХТАОБОД ТУМАНИДА

#### ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Тумандаги 3-алоқа бўлимида ўн саккиз йилдан буён почтачилик қилиб келаётган Солижон Отабобов кўз касаллигига чалиниб, ногирон бўлиб қолди. У ишлаган «Андижон почтаси» ҳиссасдорлик жамияти Пахтаобод филиали баъмурияти ва ишчи-хизматчилари Солижоннинг саломатлигини тиклаш учун 7 минг сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатдилар.

Туманинг Маданият массивидаги Қирғизқўрғон алоқа бўлими хабарчиси Одижон Усмонов хонадонни баъмурияти ва ишчи-хизматчилари Солижоннинг саломатлигини тиклаш учун 7 минг сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатдилар.

ми маъмурияти 10 минг сўм микдорда ёрдам пули беришди. Бу аргамчига қил қувват деганларидек, Одижонга уй-жойи ва бошқа иморатларини тиклаб олишда анча мадад бўлди.

#### ОТА КАСБИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

Болишбой Қодиров «Ёлғизбоғ» алоқа бўлимига 20 йилдан ортиқ бошчилик қилди. Одамлар хизматида бўлиб, тўй-томоша қилди, фарзандларини тарбиялаб, эл қаторига қўшди. Унинг умр йўлдоши ҳам шу бўлимда почтачилик қилди. Эрининг вафотидан сўнг алоқа бўлимини Махфиратхон Тоштемирова бошқарди. У нафақага чиққандан кейин бу даргоҳда Болишбой аканинг фарзанди Улуғбек Қодиров етакчилик қилмоқда. Ота-она ишини давом эттираётган Улуғбекка кўпчилик ҳа-

### • Андижондан дараклар

вас билан қарайди.

#### «ХАБАР»ГА ОБУНА КИЗГИН

Туман почта алоқа ходимлари ўзларининг севимли «ХАБАР» газетасидан 75 нусxada олишади. Пахтаободлик алоқачилар Мавлудхон Усмоновжоева, Қозимжон Аҳмедов, Насибжон Турсуновлар республика, вилоят ва «ХАБАР» газеталарига бепул обуна қилинган. Иккинчи ярим йиллик учун ана шундай фидойилардан 10 нафари «Хабар» газетасига бепул обуна қилинди.

#### АНДИЖОН ТУМАНИДА

#### ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

«Андижон почтаси» ҳиссасдорлик жамиятининг Куйғанёр фи-

лиали директори Мухаммаджон Мўминовнинг сай-ҳаракати билан «ХАБАРЧИ» футбол командаси ташкил топганига ҳали кўп йил бўлгани йўқ. Бу футбол жамоаси почтачилар, ҳисобот ходимлари, алоқа бўлиmlарининг бошлиқлари, кузатувчилардан иборатдир.

Команда сардори Акрамжон Тўхтаев ҳисобот ходими, дарвозабон Мадаминжон Йўлдошев «Зангибобо» алоқа бўлими бошлиғи, ҳимоячи Мамаत्मон Аҳмедов «Гумбаз» алоқа бўлими почтачиси, ҳужумчи Гупромиддин Зиёев кузатувчидир. Марказий алоқа бўлими почта-


чиси, 51 ёшни ортда қолдирган Мухаммаджон Давидов жамоа галабасини таъминлашда худди йигитлардек майдонда ҳаракат қилади.

«ХАБАРЧИ» жамоаси ўтган йили Андижон туманида ўтказилган турнирда қатнашиб, фахрли юқори ўринларни эгаллашган. Ушбу футбол жамоаси бу йил ҳам Андижон туманидаги футбол жамоаларини ўртасида биринчиликни эгаллашга ҳаракат қилишмоқда.

Қўлдош ҲОЖИМАТОВ,  
жамоатчи мухбиримиз

### ЎЗБЕКИСТОНДА

«Бухоро почтаси» ҳиссасдорлик жамияти, Жондор филиали жамоаси «Далмун» алоқа бўлими бошлиғи Бахшилла ЖАЛИЛОВнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан қутлаб, унга узок умр, сийхат-саломатлик тилайди.



# АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

**Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, иқтисод ва маданиятни юксалтириш, аҳолининг ижтимоий ҳаётини яхшилашда инфраструктура соҳалари, жумладан, почтанинг мавқеи ва аҳамияти ошиб бормоқда. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиб бориши, халқ ҳўжалиги ва аҳолининг соҳага бўлган талабнинг ўсиби бориши почтанинг ривожланиш суръатларини талабга мутаносиб олиб бориши, соҳада чуқур иқтисодий ислохотлар ўтказишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов алоқа соҳасининг ривожланишига, унинг бошқариш тизимини такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўтган йилнинг июль ойида чиқарилган почта ва телекоммуникациялар бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳақидаги фармон ҳам бунинг ёрқин далилидир. Шу муносабат билан соҳа мутахассислари томонидан 1998-2010 йилларга мўлжалланган почтани ривожлантириш ва фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилувчи Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди.**

Концепциянинг диққатга сазовор томонлари ва келгуси асрнинг ўнинчи йилларига соҳада қандай принципиал ўзгаришларни амалга ошириш режалаштирилганига бир назар ташлайлик.

Концепцияда соҳанинг бугунги кундаги аҳоли, муаммоларнинг таҳлили берилган. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамадан соҳа ўзининг кенг шохлаланиши, чекка ҳудудларни ҳам қамраб олган тармоғини, бошқариш тизимини деярли сақлаб қолди. Бугунги кунда «Ўзбекистон почтаси» ДАК тизимга кирувчи 193 та шахар ва туман алоқа боғламалари, 3044 та алоқа бўлимлари эга бўлган 14 та худудий ҳўссадорлик хамиятлари, «Халқаро почта»т», «Ўзбекистон маркаси», «Тезкор почта» каби ҳўссадорлик хамиятларидан иборат. Жами 7996 та жумладан, шахарларда 2704 та етказиб бериш участкалари мавжуд. Нафақа тўловлари, почта жўнатмалари, газета ва журналларнинг етказиб бериши 7665 нафар почтачи бажаради.

Шуни айтиш керакики, почтанинг моддий-техника базасини ташкил қилувчи транспорт воситалари, механизм ва ускуналарнинг кўп қисми 15-20 йилдан бери хизмат қилаётгани туфайли деярли яроқсиз ҳолга келган. Масалан, 618 дона «Онега», «ОКА» туридаги касса аппаратларининг ярми бутунлай ишдан чиққан, 63 та почта вагонидан фақат 38 тасидан фойдаланилади, ҳолос.

Почта ташшида 38 авиа, 5 темир йўл ва 384 автомобиль йўналишлари мўнғазам ишлаб турибди. Кейинги йилларда почтани транспорт, механизм ва ускуналар билан таъминлаш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди, жумладан, 180 та автомобиль, 200 та компьютер, 280 та электрон торози, 50 та модем, факс ва севекслар харид қилиниб, фойдаланишига топширилди. Компьютерлар учун бир неча дастур ишлаб чиқилди.

Республикамиз мустақилликка эришишдан олдинги бир неча йиллар давомида алоқа бўлимлари шахар жойларида бюджет ҳўсбидан, қишлоқ жойларида қолхоз ва совхозлар ҳўсбидан, шахар ва туман алоқа боғламаларининг бинолари банкларнинг имтиёзли (фоизсиз) кредитлари ҳўсбига қурилар эди. Шахарлардаги алоқа бўлимлари бинолари

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЧТА РИВОЖЛАНИШИНИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАҚИДА

нинг қурилиши, турар-жой биноларининг абонемент қўтилари билан жиҳозланиши ушбу биноларнинг қурилиш ҳўжатларида кўзда тутилган. Марказлашган манбалар ҳўсбига почта вагонлари, ўрта ва кичик меҳанизация воситалари, мебеллар сотиб олинган. Корхоналарнинг деярли 40 физик соф фойдаси ҳам соҳани қайта жиҳозлашга сарф қилинган.

Бугунги кунда юқоридаги манбалар йўқлиги, уларнинг ўрнига мўқриб манбаларни топиш, улардан самарали фойдаланиш ҳўсбига соҳа олдида турган вазифаларни ҳал қилиш энг йирик муаммолардан бирidir. Бунинг устига кейинги йилларда соҳа иш ҳажмининг кескин камайиши олинди-ган даромадларнинг ҳам камайиб кетишига сабаб бўлди. 1991-1997 йиллар давомида хатлар сони 16, жўнатмалар 142, почта жўнатмалари 10,6 марта камайган. Почта ходимлари сони 20 фоизга қисқариб, 200дан ортқ алоқа бўлими ёпилган. Бу ҳал албатта почта хизматининг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир қилмай қолмади.

Шў, бундай ҳолнинг асосий сабаблари нималардан иборат?

Собик совет тузуми даврида соҳа кўп йиллар давомида керакли ресурслар, капитал маблағлар билан етарли таъминланмади. Соҳага кўпроқ жамиятга идеологик таъсир ўтказиш нуқтани назардан қаралиб, унинг иқтисодий ва ижтимоий тараққийётдаги аҳамиятига ҳолисона баҳо берилмади. Натихада соҳанинг ривожланиш даражаси бошқа соҳалардан анча орқада қолиб кетди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, янги иқтисодий муносабатлар ўрнатаётган бир шaroитда почта ўзининг инертилиги, яъни ўсиб бораётган талаб даражаларига қисқа муддатларда мослаша олмаслигини кўрсатди.

Албатта, Иттифоқнинг инкирозга юз тутиши, янги шaroитларда соҳа фаолият юритишнинг меъерий-ҳўқуқий асослари ишлаб чиқилмаганлиги ҳам ўз таъсирини

кўрсатди.

Концепциянинг мақсади истиқболда почтанинг асосий вазифаларини, ривожланиш йўналишларини аниқ ва равшан белгилаб олиш, соҳа фаолиятини юқори сифат кўрсаткичлари билан ишлаш даражасига кўтариш, хизмат турларини кўлайитириш, республика почта тармоғини бутун дунё почта тармоғига узвий равишда кириб боришини таъминлашдан иборат. Бу мақсадларга эришиш учун Концепцияда кўйидаги йўналишларда иш олиб бориш кўзда тутилган:

— соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва биринчи навбатда етказиб бериш хизматини бозор иқтисодиёти шaroитларига мос равишда ўзгартириш;

— почта ташши хизматини рационал ташкил этиш, хизмат кўрсатишда юқори сифат кўрсаткичларига эришиш учун замонавий техника ва технологияни жорий этиш;

— халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Тўшкент шaҳрининг Марказий Осиёдаги мавқенин ҳўсбига олиб, уни энг йирик почта айирбошлаш пунктига айлантириш;

— почтада банк хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш ва бу йўналишда керакли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қилиш.

Ушбу йўналишларнинг моҳиятини тушуниб етмоқ учун улар ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш лозим деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда республикада почта жўнатмалари, нафақаларни саралаш ва етказиб бериш асосан почтачилар зиммасида. Улар почтада хизмат қилаётган ходимларнинг деярли ярмини ташкил қилишини ва етказиб бериш умумий сарф харажатларнинг 30-35 фоизини ташкил қилишини инобатга олсак, бу борада олиб борилиши керак бўлган ишлар нақадар муҳимлиги аён бўлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, етказиб бериш хизмати кўраматлиги туфайли аксарият аҳоли почта хизматларини алоқа бўлимларидан, мах-

сус киоскалардан олишни афзал кўрадилар. Концепция ҳам ана шу йўлдан бориш, босқичма-босқич етказиб бериш харажатларини камайитириб, алоқа бўлимларида кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини ошириш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини юқори савияларга кўтаришни кўзда тутди. Бу етказиб бериш хизматларидан бутунлай воз кечиш керак деган фикрни билдирмайди. Аксинча, бу фаолият ҳўжалик ҳўсбидида иш юритувчи корхоналар, фирмалар, ассоциациялар, ширкатлар, яқка тартибда иш юритувчи фуқароларни жалб қилган ҳолда алоқа корхоналари билан

та маъмурияти ва дипломатик каналлар ёрдамида почта алмасув бўйича битим ва шартномалар имзоланиши керак.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кўплаб чет эл фирмалари, компаниялари, ваколатхоналари, фуқароларига хизмат кўрсатишни кўлайитириш, сервис даражасини ошириш керак. Бу эса соҳага валюта оқими кириб келишини ва унинг ҳўсбидан жаҳон бозоридан замонавий почта техникаси сотиб олиш имконини яратди. Кейинги йилларда тарқалиб кетган Ўзбекистон филателистлари Иттифоқини қайта ташкил қилиш ва фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Концепцияда «Халқаро почта»т» ишини тубдан яхшилаш, почтага ишлов бериш технология хараёларини халқаро талаб даражасига кўтариш режалаштирилган. Бунинг учун «Европа ривожланиш банки», «Дунё банки» билан узоқ муддатли кредит ажратиш устида иш олиб бориш белгиланган.

Почтанинг бошқа соҳаларда бўлмаган ноёб имкониятларидан бири тармоғининг кенглиги, аҳоли яшайдиган деярли ҳамма жойга етиб боради. Бундай имкониятдан оқилона фойдаланиш, чунотки аънавий хизматлардан ташқари банк хизматлари кўрсатиш икки тўмонлама, ҳам почтага, ҳам банк муносабатларига катта самара беради. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимига кирувчи «Алоқабанк» билан биргаликда алоқа бўлимларида ўнлаб банк хизматларини кўрсатиш комплекс дастури ишлаб чиқиб кўзда тутилган. Узаро ҳамкорлик принциплари асосида почта корхоналари техник имҳатдан қайта жиҳозлаш учун банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Шундай қилиб, Концепция Ўзбекистон Республикаси почтасининг бозор иқтисодида мослашуви учун қўйидаги йўналишларда ҳам иш олиб боришни кўзда тутди:

— маркетинг ва мониторинг изланишлари олиб бориш, талаб ва эҳтиёжга тез мослашувчан тариф сиёсатини жорий қилиш, етказиб бериш хизматини бозор талабига мос равишда ўзгартириш;

— почта ташши, почта жўнатмалари, нафақа пуллари, даврий нашрларни етказиб бериш рақобат принциплари асосида ташкил қилиш;

— алоқа бўлимларини аънавий почта хизматларидан ташқари банк хизматлари кўрсатадиган марказларга айлантириш.

Мақсад аниқ бўлса, йўл яқин бўлади. Концепция мақсади республика почтасини бугунги кундаги иқтисодий қийинчиликлардан олиб чиқиб, ривожланган мамлакатлар почтаси даражасига кўтаришидир. Концепция моҳиятини чуқур аниқлаб, уни ҳаётга татбиқ қилиш борасида ушшоққил билан иш олиб бориладиган кўзланган мақсадга эришамиз.

**Абдусаттор ОРТИҚОВ**

Ўзбекистон — Америка «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси Тўшкент ва пойтахт атрофи аҳолисига пуллик йиғирма иккита телевизион дастур етказиб беради ва пейжинг хизмати кўрсатади. Корхона 1994 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. Ҳозир миҳозларимиз сони 25 мингдан ошиб кетди, пейжинг хизматидан эса 10 минг абонент фойдаланмоқда. Ўрнатилган асбоб-уску-

## ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯ ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

налар энг замонавий бўлиб, юқори технология талабларига жавоб беради, яъни кам сарф-харажат билан катта самара, катта даромад келтира олади.

Ҳозир чет элларда суний йўлдошлардан узатиладиган телевизион каналлар келажакдаги порлоқ рақамли узатиш MPEG тизимига ўтказил-

моқда, шу туфайли ҳам биз асбоб-ускуналарнинг бир қисмини ана шу тизимга мослаштирмоқдамиз. Шуни айтиб ўтиш керакики, келажакда рақамли телевизион каналлар тобора кўпайиб, кўпчилигимизга таниш бўлиб қолган аналогли телевизион узатиш тизимларининг салмоғи камайиши сабабли кўрсатувларни шахсий параболик ан-

тенна орқали кўраётган томошабинлар рақамли декодер сотиб олишлари керак бўлади. Ишининг шу томонини ҳўсбига олганда бизнинг хизматимиздан фойдаланадиганлар яқин орада камаймас керак деб ўйлайман. Айтилган гаплардан ҳулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистонга қайси соҳада бўлмасин жалб қилинаётган техноло-

гияларни қабул қилишдан олдин синовдан ўтказиб, энг яхшисини ва замонавийсини саралаб олишимиз керак. Буларни ишлатиш учун ўзимиздаги яхши мутахассисларни авайлаб-асрашимиз ва ўқув юртларидаги ишларнинг савиясини кўтаришимиз лозим.

**Тургун ҚУРБОНОВ,**  
«Камалак-ТВ» қўшма корхонаси техника бўлими бошлиғи

# ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТАРИХИДАН

Ўзбекистон телевидениесига асос солинишига бу йил 70 йил тўлади. Тажриба ишларини Борис Павлович Грабовский, Иван Филиппович Белянский Урта Осиё алоқа округида олиб борганлар ва 1928 йил 26 июль, Тошкент вақти билан соат 12.00да радиоэлектрон телефотнинг ҳаракатдаги кўрсатувни ҳосил қилиш учун сигналларни узатувчи ва қабул қилувчи қурилмаларнинг биринчи тажрибаси муваффақиятли амалга оширилди.

Тажриба вақтида узатувчи қурилма Урта Осиё алоқа округининг асосий биносидан, қабул қилувчи қурилма эса округ ҳовлисидаги тажрибахонада ўрнатилган бўлиб, қурилмалар орасидаги масофа 20 метрлар чамаси бўлган. Узатувчи қурилма олдида Б.П.Грабовскийнинг ёрдамчиси И.Ф.Белянский ва тажриба ўтказиш комиссиясининг 2 аъзоси бўлган. Қабул қилувчи қурилма олдида эса телефот қурилмасининг ихтирочиси Б.П.Грабовский, комиссия раиси, САГУ (Урта Осиё давлат университети) профессори Златоврацкий, комиссия аъзолари — Копытовская, Михайлов ва Михайльскийлар бўлишган.

Белгиланган вақтда узатувчи қурилма ёқилиб, унинг объективи олдида И.Ф.Белянский техник форма бош кийимида вақти-вақти билан бошини гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга буриб турган. Шу пайтда қабул қилувчи қурилма олдида комиссия аъзолари узатилаётган видеосигналнинг кузатишган ва видеосигналнинг сифати унча яхши бўлмастлигига қарамай (асосан қабул қилувчи қурилманинг соналмаганлиги сабабли) унда бошини гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга буриб, лабларини қимирлашдан бу ҳақиқатдан ҳам И.Ф.Белянский эканлиги ва у нимадир

гапирётганлигини аниқ кўрганлар. Дастлабки тажриба видеосигналнинг сифати яхши бўлмаганлиги, вақти-вақти билан сигналнинг узилиб қолиши узатувчи ва қабул қилувчи қурилмаларнинг бир-бири билан мослаштирилмаганлиги (синхронлашмаганлиги) туфайлидир. Аммо шунга қарамай комиссия аъзолари куйидаги хулосага келишган:

Б.П.Грабовский ва И.Ф.Белянский томонидан амалга оширилган иш илмий ва назарий жиҳатдан эътиборга молик бўлиб, катта аҳамиятга эга эканлиги ва машҳур профессор Б.Л.Розинг томонидан эълон қилинган электрон телекөпийнинг назарияси туғрилиги, уни амалиётга татбиқ қилиш мумкинлигини биринчи бўлиб исботлаб беришди.

Масофадан кўриш радиоқурилмасини электрон усулда яратиш ишларини Б.П.Грабовский, В.И.Попов, Н.Г.Пискунов 1925 йили бошлашган. 1925 йил 9 ноябрда Давлат экспертиза комиссиясига аризаларни тақдим этишган. Бу ариза икки ярим йил кўриб чиқилган ва 1928 йил 30 ноябрда ихтиролар бўйича Давлат қўмитаси Б.П.Грабовский, В.И.Попов, Н.Г.Пискунов

лар номига патент берган. Бу ҳужжатда телевидение тарихида биринчи марта телевидениенинг электрон тизими асослаб берилган.

1956 йилнинг 5 ноябрь куни Тошкентда — Урта Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон телевидениесининг биринчи суҳандонлари — Ик-

юборганлар. Телемарказ 1958 йил кўчма телевизион станцияга (КТС) эга бўлди. КТС ўз ишини Алишер Навоий номи катта театрдан 8 марта бағишланган тантанали йилгилини олиб кўрсатишдан бошлаган. КТС билан Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан кўрсатувлар тайёрланган.

60-йилларда Тошкент теле-визион марказининг кўрсатувларини тарқатиш радиуси кенгайди. 1961 йил Урганч шаҳрида, 1964 йил Нукус шаҳрида телемарказлар ишга туширилди. 1962 йилдан бошлаб Ўзбекистон телевидениеси кўрсатув асосида иш бошлади, яъни иккинчи республика дастури ва 1965 йилдан эса Ўзбекистон худудида собиқ Ит-

тифокнинг Марказий телевидение-си кўрсатувларини қабул қилиш имконияти пайдо бўлди. 1963 йил сентябрда биринчи марта халқаро телекўрсатувлар амалга оширилди. Янги ўқув йили бошланишига бағишланган телекўрсатувда Тошкент, Олмаота (ҳозирги Астана) ва Фрунзе (ҳозирги Бишкек) телемарказлари ўзаро теледастур алмаштириб, халқаро телекўрсатув намоиши эътиборга олинди. Телевизор экранларида рангли

таъсир Марказий Осиё худудида биринчи марта 1971 йил, 1 май намоишини ҳозирги Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатиш билан бошланган. Рангли телевидение жорий қилингандан кейин телевизион кўрсатувларни бадиий жиҳатдан яхшилаш учун катта имкониятлар туғилди. Биринчи рангли дастахона Франциядан олинган кўчма телевизион станция «Томсон ЦСФ» фирмасида Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимга мослаштирилган эди.

1978 йилга келиб телемарказ ўз аппаратхонасига эга бўлди ва унга рангли телевизион дастахона ўрнатилди. 1980 йилдан бошлаб янги бинодан кўрсатувлар берилди бошланди.

Ўзбекистон телевидениесининг имкониятлари 1980 йили ишга туширилган телемарказнинг янги биноси ва 1985 йили ишга туширилган кўп дастурли радиотелевизион узатувчи станция ёрдамида янада ошди. Телеминоранинг баландлиги 375 метр бўлиб, у Тошкент телемарказининг кўрсатувлар тарқалиш худудини 2 марта оширди, тарқатилаётган видеосигналларнинг сифатини яхшилашга, телекўрсатувлар сонининг кўпайишига олиб келди. Халқаро телекўрсатувлар уюштириш ва алмашиш имкониятлари янада кенгайди. Телеминора шаҳарнинг энг баланд ерида бунёд этилди. Миноранинг умумий вази 6.000 тонна бўлиб, 11 метрли пойдевор устида қад кўтарган. 100 метрли баландликда томоша майдончаси ва 2 та «Коинот» деб номланган ресторан бор. 200 метр баландликда Тошкент обсерваторияси метеорология станцияси ва технологик хизмат хоналари мавжуд. Минора 100 метрли жуда мустаҳкам 3 та тиргак устун устида жойлаштирилган, ҳар бир устуннинг оғирлиги 600 тоннадан. Минора Марказий Осиё худудида энг баланд ва ўзига хос яққо ягона телеминора ҳисобланади.

**Абдухалил Тўлаганов,**  
Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси тарихи музейи директори  
**Абдухалил Тўлаганов,**  
техника фанлари номзоди, доцент



Ўзбекистон телевидениеси биноси. Телевидение тарихи музейи худди шу бинода жойлашган.

бол Олимжонова ўзбек тилида, Юнона Стоярова рус тилида телевидениени ишга тушиши билан Ўзбекистон халқини ва қурилишда иштирок этган қурувчиларни табриқлашди, тантанана бағишланган катта концерт берилди. Ўрнатилган дастахоналарни ишлаш учун ҳали бизда малакали мутахассислар йўқ эди. Шунини инобатга олиб, Алоқа вазирлиги телемарказ ходимларидан бир гуруҳини малака ошириш учун Ленинград телемарказига

тифокнинг Марказий телевидение-си кўрсатувларини қабул қилиш имконияти пайдо бўлди. 1963 йил сентябрда биринчи марта халқаро телекўрсатувлар амалга оширилди. Янги ўқув йили бошланишига бағишланган телекўрсатувда Тошкент, Олмаота (ҳозирги Астана) ва Фрунзе (ҳозирги Бишкек) телемарказлари ўзаро теледастур алмаштириб, халқаро телекўрсатув намоиши эътиборга олинди. Телевизор экранларида рангли

Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларидаги каби почта соҳасида ҳам ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни йўлга қўйиш муҳим омиллардан биридир. Бу жиҳатдан ягона тариф сеткаси муҳим давлат ҳужжати ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш вақт ўтган сари турли хил муаммоларни келтириб чиқарди. Бундай ҳолларда меъёрий ҳужжатларга суяниб, ишга ижодий ёндашилса кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Собиқ Иттифок давридаги қўлланмаларда туман алоқа бўлимлари бажарган иш ҳажмига қараб олти гуруҳга бўлинар эди. Иш ҳажмининг кескин ка-

га хос хусусиятлари инобатга олинмаган кўринади. Буни ҳисобга олмаслик ходимларнинг ишга муносабатига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, йўриқ-қавоимини олайлик. Бу вазифада лавозим низомидан кўрсатилганидек, тажрибали мутахассислар ишлаши керак. У ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ишни тўғри йўлга қўйишда, камчиликларни тугатишда ёрдам бериши зарур. Почта соҳасининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, йўриқчи айрим ҳолларда жойлашиш ўрни, туман ва шаҳарлардаги аҳоли сонига кўра ўнгача, айрим ҳолларда йигир-

## •Таклиф

### ТАРИФ СЕТКАСИ МУҲИМ ҲУЖАТ

майиши, баҳолардаги кескин ўзгаришлар, ўзаро иқтисодий узилиш ва бошқа сабаблар бу қўлланмадан фойдаланишга имкон бермайди. Янги меъёрий ҳужжатлар ҳали ишлаб чиқилгани йўқ. Шу боис ҳам бу борада ўз фикрларини билдирмоқчиман. Алоқа бўлимлари йил якунига кўра топган даромадлари бўйича уч гуруҳга бўлиниши керак. Агар айрим вилоят алоқа бўлимларида бу кўрсаткичларда кескин ўзгаришлар бўлса, уларга вилоят ичидан шундай уч гуруҳга бўлиб, тавсиянома ишлаб чиқиш зарур. Бунда, албатта маҳаллий шароит, айрим почта корхоналари даромадларининг баъзи турлари кўплиги ҳисобга олинса тўғри бўлади.

Яна бир масалада, яъни ягона тариф сеткасини ишга татбиқ қилишда почта соҳасидаги айрим иш жойларининг ўзи-

мадан ортик алоқа бўлимлари ходимлари билан иш олиб бориши зарур бўлади. Мана шу ўринда иш ҳажми кўзга яққол ташланади. Шу боисдан ҳам иш ҳажми турли хил бўлиши мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда йўриқчига икки баравар ҳақ тўлаган маъжул деб ҳисоблайман. Бундай рағбатлантириш филиал иқтисодчилари, маъжул навбатчилар каби лавозимларга ҳам бевосита тегишlidir.

Почта соҳасида ходимлар меҳнатига тўғри ҳақ тўлаш тармоқнинг раванқ топишига хизмат қилади деб ўйлайман.

**Раҳимжон БОЛТАБОВ,**  
«Қорақалпоқ почтаси»  
ҳиссасдорлик  
жамиятининг  
Хўжайли филиали  
иқтисодчиси

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказига доимий ишлаш учун мадаки, йўриқчи айрим ҳолларда жойлашиш ўрни, туман ва шаҳарлардаги аҳоли сонига кўра ўнгача, айрим ҳолларда йигир-

Мутахассислар радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва почта алоқаси соҳасида 5 йилдан ортик ишлаган, олий маълумотли бўлишлари керак.

Маош ўзаро келишилган шартномага асосан тўланади.

Тўлиқ маълумот олиш учун куйидаги телефонларга мурожаат қилиши мумкин:

Қабулхона —  
144-29-73,

Кадрлар билан ишлаш бўлими —  
144-37-70.

## ФАКСИМИЛ-ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ КўПАЯДИ

Наширёт ва матбаачилик соҳасида янги технологияларни қўллаш саноат ишлаб чиқаришининг кўпгина тармоқлари билан бевосита боғлиқдир. Бундай жараёни йўлга қўйишда алоқа воситаларининг тугган ўрни каттадир. Шу боис ҳам «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бу масалага асосий эътиборни қаратиб, факсимил-телефон аппаратларидан унмulli фойдаланиш тадбирларини кўрмоқда.

Ҳозирнинг ўзида бу ерда алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш учун мустаҳкам техник замин яратилди. Бундай имкониятларни кенг йўлга қўйиш мақсадида концерн яқинда Украина республикасининг Львов факсимил-телефон аппаратлари илмий текшириш институтига билан ҳамкорлик ўрнатди. Бу эса Украинадан шу хилдаги қурилмаларни Тошкентга олиб келиш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

Кўрилаётган бу тадбир концерннинг 2000 йилгача мўлжалланган ривожланиш дастури бўйича амалга оширилмоқда.

**А. АЛЛЕВ**

## ТўСИҚЛАР ПИСАНД ЭМАС

Ультракисқа радиотўқинлар тўғри чиқиқ бўйлаб тарқалади, деган гап узок вақтгача икки қарра икки-тўрт даражадек оддий ҳақиқат бўлиб келди. Кейинчалик олимлар сира ақлга тўғри келмайдиган, жуда галати бир қонуниятни аниқлашди. Буни қарангки, агар радио тўқинларини юборувчи нукта билан қабул қилувчи нукта ўртасида тоғ тизмаси бўлса, ультракисқа тўқинлар қайтага яхшироқ қабул қилинар экан! Вожаб, бу қанақаси?

Маълум бўлишича, тоғларда, хусусан, жанжардай ўткир чўққилар атрофида ҳавонинг зичлиги кескин ўзгарадиган, радио тўқинлар ҳам бундай муҳитда ўз йўналишини кескин суратда ўзгартириб юборар ва бунинг натижасида уларнинг тарқалиши аввалгига қараганда ниҳоятда ошиб кетаркан.

Олимлар аниқлаган бу ҳодиса тоғли худудларда телекўрсатувларни (маълумки, кўрсатувлар ультракисқа тўқинларда олиб борилади) телевизион марказдан юзлаб километр нарида туриб ҳам бемалол томоша қилиш имконини беради.

«Алоқачи ҳамроҳи» — «Спутник связиста» илова саҳифаларига **Т.ЛУТФУЛЛАЕВ, Х.СОАТОВ** масъулдир.

# СПУТНИК СВЯЗИСТА

## ПОГОВОРИ СО МНОЙ ПО ТЕЛЕФОНУ

**Жизни каждого современного человека значительную роль играет телефон. Разговоры по телефону стали неотъемлемой частью нашего повседневного бытия, способом преодолевать расстояния, общаться, обмениваться новостями. Теперь уже ни жизнь, ни трудовую деятельность людей невозможно представить себе без телефона.**

Ташкентская городская телефонная сеть, которой со дня установления первого телефона исполнилось 70 лет, является одной из самых сложных инфраструктур мегаполиса, возмещающей на «самочувствие» всего городского хозяйства, на настроения людей. Составляя третью часть всего «телефонного парка» республики, столичная сеть, между тем, ввиду ее важности и сложности, стоит, пожалуй, на первом месте среди забот и тревог республиканского агентства почты и телекоммуникаций. И это понятно. В столице независимо от государства и телефонная сеть должна отвечать самым высоким требованиям. Многие делается для того, чтобы запросы на телефонные услуги удовлетворялись полнее. И все-таки на работу телефонной сети возникают нарекания, навязываются вопросы требующие изменений. Например, о тарифах, о новой технике, о качестве работы. На эти вопросы отвечает старший инженер по эксплуатации сетей и телефонии Генеральный директор АОТ «Ташкент шахар телефон тармони» Ш. А. Алылов.

Отмечу, что введение новых тарифов связано с целым рядом факторов, влияющих на финансы и в целом на экономику предприятия. Условно они могут быть разделены на два вида: внутрипроизводственные и внешние. Производственно наше — наукоемкое и энергопотребляющее, как и во всех предприятиях, электросвязи. Тем более в условиях, когда проводится коренное техническое перевооружение за счет внедрения в широких масштабах самых совершенных систем и технологий телекоммуникаций. За последние годы в Ташкенте выполнены крупные проекты по развитию и модернизации городских сетей телекоммуникаций. Так, введены в эксплуатацию новые цифровые АТС, их 17, общей емкостью около 120 тысяч номеров. Это — четвертая часть всей имеющейся емкости.

На нашей сети выполнено строительство цифрового «Транспортного кольца», в которое включены все узлы входящей связи, узел соединительных линий аналоговой части сети, опорные и тандемные АТС цифровой части.

Это позволило существенно улучшить межстанционные соединения. Внедрены и другие передовые технологии в виде автоматизированных услуг. Новая строительством и реконструкция объектов ведется, как правило, на базе сотрудничества с зарубежными партнерами, на основе поставок ими современного оборудования и материалов, предоставления кредитов в твердой валюте. Для погашения долларовых кредитов требуется сумовое покрытие в возрастающих размерах, учетом этих обстоятельств происходит удорожание себестоимости услуг электросвязи, многие из которых при существующих тарифах не только не окупаются, а даже приводят к прямым убыткам. Напомним, что строительство одного номера цифровой АТС обходится в 300 долларов США. Проблемой становится своевременный возврат полученных кредитов иностранным партнерам. И все-таки в нашей отрасли тарифы поднимаются не чаще одного раза в год, и то, как мера вынужденная. Вводимые новые ставки тарифов на отдельные виды услуг электросвязи далеко не покрываются возрастными затратами. И не только внутренних, но и внешних, связанных с оплатой электроэнергии, транспортных услуг, материалов из запасных частей, уплатой налогов и т.п. Узбекское агентство почты и телекоммуникаций совместно с акционерными компаниями и об-

ществами, предприятиями связи изыскивает и другие источники для решения финансовых проблем, однако участие в этом абонентов тоже представляется обоснованным: все, что делается по развитию и модернизации сетей телекоммуникаций, нацелено на создание для всех абонентов более комфортных условий с последовательной интеграцией национальной сети в мировые информационные системы. Многие уже сделано, но впереди — еще более важные проекты.

Приказом генерального директора Узбекского агентства почты и телекоммуникаций № 29 от 28 января 1998 года утверждены и введены в действие с февраля 1998 года новые тарифы на некоторые виды услуг электросвязи.

Так, тарифы на городскую и сельскую телефонную связь поделены теперь на три градации: для хозяйственных учреждений, бюджетных и для населения. Что касается современной оплаты, если абонент подключен к АТС со «счетчиками», то для всех установлен единый, не измененный с прошлого года, размер льготных 180 минут, оплачиваемых абонплатами, а сверх этого лимита — по 30 тийинов за каждую минуту разговора.

